

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фаргона,  
2021.**

<b>Ш.Абдусаторов</b>	
Анъанавий ўзбек таомларидаги ўзгаришлар ва ундаги новациялар .....	179
<b>А.Акбаров, Д. Абдуллаева</b>	
“Билса эди чечаклар, гуллар...” .....	183
<b>Д.Хошимова, М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий ифодаларнинг прагматик тадқиқи .....	186
<b>К.Марасулов</b>	
Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши .....	189
<b>М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятлари .....	193
<b>М.Хусанова</b>	
Фарида Афрўз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни оширувчи восита сифатида .....	196
<b>Д.Исроилова, Н.Ашурова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари .....	200
<b>Д.Юлдашева</b>	
Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши .....	204
<b>З.Акбарова</b>	
Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир .....	207
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилиши .....	209
<b>Ш.Алиева</b>	
Тил ва нутқ ҳодисалари .....	213
<b>М.Ҳожиева</b>	
Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида .....	217
<b>Ш.Дадабаева</b>	
Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши .....	220
<b>Д.Турдалиева</b>	
Мақолларнинг прагматик функционаллиги .....	223
<b>А.Мусаев</b>	
Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи .....	226

---

 ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
 

---

Илмга бахшида умр .....	229
-------------------------	-----

“БИЛСА ЭДИ ЧЕЧАКЛАР, ГУЛЛАР...”

“КОГДА БЫ ЦВЕТЫ ТО УЗНАЛИ...”

“IF THIS KNOWN BY FLOWERS...”

Акбаров Азиз Абидович<sup>1</sup>, Абдуллаева Дилдора<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Акбаров Азиз Абидович

– Фарғона давлат университети, педагогика  
фанлари номзоди, доцент.

<sup>2</sup>Дилдора Абдуллаева

– Фарғона давлат университети адабиётшунослик  
кафедраси магистранти.

**Аннотация**

Мақолада Ҳ. Ҳайненинг “Билса эди чечаклар, гуллар...” шеъри асосида шоир лирик қаҳрамонининг ички кечинмалари, изтироб ва туйғуларининг турли образлар воситасидаги ифодаси илмий таҳлилга тортилган.

**Аннотация**

В статье проведен анализ образных средств выражения внутреннего мира, страданий и эмоционального состояния лирического героя стихотворения Г. Гейне “Когда бы цветы то узнали...”.

**Annotation**

The article is based on the poem “If this known the flowers ...” by H. Hayne, the poet draws on scientific analysis of the lyrical protagonist’s inner experiences of suffering and feeling through various images.

**Таянч сўз ва иборалар:** муҳаббат, рад этилган севги, табиат манзаралари, ўтли сатрлар, булбул, гуллар, олис юлдузлар, халқ оғзаки ижоди.

**Ключевые слова и выражения:** любовь, отверженная любовь, картины природы, вдохновенные строки, соловей, цветы, дальние звезды, устное народное творчество.

**Key words and expressions:** love, rejected love, natural landscapes, meaningful lines, nightingales, flowers, distant stars, folklore.

Дунёда ҳеч бир миллат, элат ва ҳатто қавм йўқки, адабиётдан бебаҳра бўлса... Одамзот ҳали ўқиш, ёзишни билмаган даврларда ҳам ўз боласини қандайдир товушлар билан овутиган, эркалаган. Меҳнат қилиш жараёнида оғзаки нималарнидир ҳиргойи қилган. Бу, унинг меҳнатини камайтириб қўймаган, аммо кайфиятини чоғ этган.

Бугунги кунда биз адабиёт деб атаётган мўъжиза айнан мана шудир. Бу мўъжиза ҳар бир миллатда, элатда ўзининг тараққиёт ҳолатига, ўзининг инжу жавоҳирларига эга. Бу ҳолатдан немис халқи ҳам мустасно эмас. Ушбу халқни дунёга танитган ва дунёни ушбу халққа танитган забардаст вакиллари эса бисёрдир.

Адабиёт кишининг қалби, иймонидир. Шундай вакиллардан бири, қалби қайноқ муҳаббатга лиммо-лим, ватанини жон-у дилдан севган ва айни шу суйгилигидан узоқ йиллар жудо бўлган Ҳайнрих Ҳайнедир.

Унинг ҳаёт йўли, ижод йўли машаққатларга тўла бўлди, яъни ўзи бир қарорга келмай туриб, савдогарликни ўрганишга ундадилар, қизиқмай туриб, ҳуқуқшуносликни ўрганди, аммо бу соҳада бир кун ҳам ишламади. Унинг дили фақат адабиёт ва ёзган шеърлари билан овунди. Мана шу ёзганлари туфайли ватандан айро яшади ва айро жон берди.

Шундай бўлса-да, Ҳайне миллатига, халқига Заҳириддин Муҳаммад Бобур тақдирида бўлганидек, “ватанга бориб хизмат қиладиган” асарлар ёзиб қолдирди. Бу адабий обидалар турли мавзуларда, жанрларда бўлиб, шоирнинг ҳатто ифвогарларга жавоб тариқасида ёзган асарлар ҳам бор. “Германия. Қиш эртаги.” асари айнан шу ҳақда ёзилган. Бу асар XIX аср жаҳон шеърятининг энг нодир намуналаридан ҳисобланади. Унинг рус тилида ўн тўққиз варианты мавжуд[1]. Ўзбек тилига Миртемир[2], Абдулла Шер[3] ва Аъзам Исмоил[4] ўгиришган. Бундан ташқари унинг асарлари Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Хайриддин Салоҳ, Эргаш Очиллов, М. Тоштемировлар сингари ижодкорлар томонидан ҳам таржима қилинган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳайне ижодига қизиқиш ўзбек ўқувчилари орасида ҳам кам эмас. Яқинда нашр этилган таржималар тўпламида[5] Ҳайненинг энг сара шеърлари жамланган. Шеърлар мавзуси ҳақиқий севги изтиробларига бағишланган. Умуман олганда,

шоир ижодида рад этилган севги мавзуси ва буни табиат манзаралари орқали очиб бериш етакчилик қилади. Бунга сабаб – ўз амакисининг қизи, гўзал Амалиянинг шоир севгисини рад этганида:

Es fällt ein Stern herunter  
Aus seiner funkelnden Höh!  
Das ist der Stern der Liebe,  
den ich dort fallen seh'.

Кунгурадор чўққидан ёху,  
Йўқлик сари бир юлдуз учди.  
Муҳаббатим юлдузидир у,  
Ёнмас бўлиб абадий ўчди[5].

Ҳа, нақадар ўтли сатрлар. Бу ҳолат унинг “Билса эди чечаклар, гуллар...” шеърида ҳам намоён бўлади. Наинки намоён бўлади, балки тадрижий тараққиётга ҳам эришади. Шоир биринчи бандда ёзади;

Und wüsten 's Blumen, die kleinen,  
Wie tief verwundet mein Herz,  
Sie würden mit mir weinen,  
Zu heilen meinen Schmerz.

Билса эди чечаклар, гуллар,  
Нечун ётар танда жароҳат.  
Мен-ла бирга йиғларди улар  
Ва бўларди дардқаш, ҳамсуҳбат[5].

Дея нола-ю афғон чекади. Шеърда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи. У дардига дармон ҳеч илож топа олмай боғдаги чечаклар-у гуллар билан ҳамсуҳбат бўлишга интилади. Аммо унинг дардини тушунувчилар улар эмасдек кўринади ва иккинчи бандда гулларни қўйиб, ошиқ булбулларга юзланади. Шу тариқа дардини баён этиш яна бир поғонага кўтарилади:

Und wüsten 's die Nachtigallen,  
Wie ich so traurig und krank.  
Sie ließen fröhlich erschallen  
Erwirkenden Gesang

Билса эди уйғоқ булбуллар  
Нечун кўнглим ярим шикаста.  
Шан қўшиқлар куйлашиб улар  
Овутарди дилимни аста[5].

Шоирнинг дарди шу қадар юксакки, бунга бедор булбуллар ҳам дармон бўла олмайдилар. У тун қўйнида энди осмондаги юлдузларга илтижо қилади. Маълумки, одатда, ишқ аҳли керак бўлса осмондаги ой билан дардлашади, ойни кўрганда, ўз ёрини кўргандай ҳис этишади, аммо бизнинг қаҳрамон бу ҳолатдан қониқмайди, у самодаги олис юлдузларга дардини айтади. Айтганда ҳам ич-ичидан, қалбидан изтироб чекиб айтади, иқболнинг қаро эканлигидан афсус чекади. Агар дейди бахти қаро ошиқ, юлдузлар дардимни билганларида, ҳис эта олганларида ўз осмонларини тарк этиб дардимга оро кирган бўлардилар. Бу орқали унинг дарди қай даражада улкан эканлигини ифода этади. Яъни:

Und wüsten sie mein Wehe,  
Die goldenen Sternelein,  
Sie kämen aus ihrer Höhe,  
Zu sprechen Trost mir ein.

Билса эди олис юлдузлар  
Нечун менинг иқболим қаро.  
Кўк тоқини тарк этиб улар  
Кирар эди жонимга оро[5].

Мазкур шеър орқали биз шуни билишимиз мумкинки, шоирнинг атрофида инсонлар анча, ammo бирор самимий, ошиқ дардини тушуна оладиган киши йўқ. У мана шунинг учун ҳам ҳолатини баён этишда атрофидаги одамларга эмас, табиатга, жонсиз яратиларга мурожаат қилади, улардан нажот кутади. Лекин унинг дардини тушунадиган бир инсон борлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Бу дилбар унинг ана шу дард ва аламларига сабабчи маъшуқасидир. Ўз дардини айнан ўша соҳибжамол билишини сўнги бандда, сўнги иқрорда баён этади:

Die alle können 's nicht wissen,  
Nur eine kennt meinen Schmerz;  
Sie hat ja selbst zerrissen,  
Zerrissen mir das Herz.

Йўқ, йўқ улар билмайди ҳолим  
Ва дардимга тополмас чора.  
Дардим билар соҳибжамолим  
Юрагимни айлаган пора[5].

Шоирнинг ушбу шеърини ўқир эканмиз, у ҳеч бир ўринда севгиси ҳақида бирор оғиз сўз демайди ёки баландпарвоз изҳорлар қилмайди. Шунчаки, ўз ҳолатини баён этадики, ўқувчи бундан олам-олам изҳор, олам-олам ҳарорат топади. Шоирнинг юксак поэтик маҳорати ҳам шундадир.

Шеър тўрт банддан иборат бўлиб, тўққизлик туркумида, яъни тўрт плюс беш туроқ шаклида таржима қилинган. Унинг архитектураниқ қурилишига диққат қиладиган бўлсак, олдинги уч банди охиригисига қарама-қарши қўйилган нореал шарт эргаш гаплардан ташкил топган. Архитектоник параллелизм яъни шеър бошидаги жумланинг ҳар бир бандда такрорланиб келиши шеърнинг таъсир кучини икки ҳисса оширади, бундан ташқари бу ҳолат халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган ҳодисадир. Яна ҳар бир банд тадрижий ҳолатда поғонама-поғона ўсиб, бойиб боради. Лирик қаҳрамон аввал гул- чечаклардан, ундан сўнг булбуллардан, сўнгра эса олисдаги чарақлаган юлдузлардан нажот кутади. Йўқ, уларнинг ҳеч бири шоирнинг қалбидаги туйғу-туғёнларни англай олмайди. Шоирнинг ўзи шу хулосага келади ва буни ким билишини охириги бандда маълум қилади. Аслида бунга хожат ҳам йўқ, ўқувчи қаҳрамон дардини ким билишини юқоридаги мисралардан ҳис эта олади. Шоир шу тариқа шеър қурилишида ҳар бир деталдан, ҳар бир табиат неъматидан моҳирона фойдаланади.

Шеър шакли одатдаги гап қурилишидан фарқ қилади. Унда жумлалар феълнинг шарт майли шаклида ифодаланган, бу орқали халқ оғзаки ижоди хусусияти яна бир бор кучайтирилади. Юқоридаги учта тўртликка тўртинчи тўртлик қарама-қарши қўйилган. Отларнинг кичрайтирилган шакли немис халқ қўшиқларида тез-тез учраб туради. Бу ҳам шеърдаги халқчилликнинг бир кўринишидир[6].

Умуман олганда, Ҳайне ижодида кечинмаларни қарама-қарши қўйиш, такрор билан таъсир кучини ошириш биринчи ўринда туради. Шоирнинг деярли барча шеърларида такрор мавжуд. Бу ҳолат ҳоҳ банд бошида бўлсин, ҳоҳ ўртаси ёки шеърят бутун бир табиат, унинг манзаралари орқали айрилиқ, рад этилган муҳаббат, ёрга интизорлик ҳолатлари бир тизимга тизилган марваридлардир. Биз ушбу мақола орқали шоир ижод денгизидан бир томчи кўрдик. Унинг бошқа жанрлардаги ижод мевалари ҳам ўзига яраша қадр-қимматга эгадир.

### Адабиётлар:

1. Абдуллаева Р. “Мени алқамангач ҳеч ким қолмади...” // Жаҳон адабиёти. -№1. -2018 й.
2. Г. Гейне. “Германия. Қишки эртаги”. Миртемир таржимаси. Лирик шеърлар. -Т. 1941.
3. Ҳ. Ҳейне. “Германия. Қишки эртаги”. Абдулла Шер таржимаси. Т. “Ёш гвардия” нашриёти. 1984.
4. Ҳ. Ҳайне. “Германия. Қишки достони”. Аъзам Исмоил таржимаси. Т.: Akademnashr, 2019 й.
5. Ҳ. Ҳайне. “Севги изтироблари”. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи А. Акбаров. –Фарғона: “Доно нашриёти”, 2019.
6. Шишкина И., Смолян О. Analytisches Lesen. Л.: “Просвещение”, 1980.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)